



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги иزلанишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий иزلанишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессини ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No13
29 февраль

conferences.uz

МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ

1. Ergasheva Umida, TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KASBGA YO'NALTIRISH.....	12
2.Карима Ахмадова РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЧАЯ В КИТАЕ И УЗБЕКИСТАНЕ.....	14
3.Рашидов Толиб, ТАСВИРИЙ САЊЪАТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ.....	16
4.Zulpanov Akbar Maxmudovich TASVIRIY SAN'AT - MA'NAVIY KAMOLOTGA ERISHISH YO'LI.....	18
5.Галиева Альбина Илдусовна ТЕНДЕНЦИИ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНО ИСКУССТВА ВО ВРЕМЕННОМ СПЕКТРЕ УЗБЕКИСТАНА.....	19
6.Ғофуров Нурбек Жўраевич ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ РАҚС САЊЪАТИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.....	21
7.Hasanova Gavhar Safarboyevna YOSHLAR ONGIGA BUZG'UNCHI OMMAVIY MADANIYATNING SALBIY TA'SIRI.....	24
8.Islomov Aziz MUSIQA DARSLARINI INTEGRATSIYALASHGAN USULDA OLIV BORISH USULLARI.....	26
9.Jo'rayev Abbas, TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA MILLIY VA UMUMMADANIY KOMPETENSIYALARNI RIVOJLANTIRISH.....	28
10.Xo'jamova Yulduz, Kamilova Nigora O'ZBEKISTONDA MADANIYAT VA SAN'AT SOHALARINING RIVOJLANISHI VA ULARNING YOSHLAR HAYOTIDA TUTGAN O' RNI.....	30
11.Po'latova Shahlo Murod qizi TASVIRIY SAN'AT TA'LIMINING MAQSAD VA VAZIFALARI.....	32
12.Sagatova Nodira Odiljanovna, Xushvaqtova Laylo Murodjon qizi RANGTASVIR DARSLARIDA RANGLAR JILOSI.....	34
13.Азимова Фотима СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В МОДЕ КАК ОТРАЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНО- КУЛЬТУРНОГО ПОВЕДЕНИЯ ОБЩЕСТВА.....	36
14.Шахноза Ибадуллаева МИНИАТЮРА САДРИДДИНА ПОЧЧАЕВА.....	38
15.Ибрагимов Фаррух Актам ўғли ЎЗБЕК ВА ТОЖИК РАҚСЛАРИНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИ.....	41
16.Назарова Малика Шухратовна "ПРОБЛЕМА ПОНЯТИЯ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ И МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО ТАНЦА".....	43
17. Шукурлаев Мансур Содиқбой ўғли ҚОРАҚАЛПОҚ РАҚС САЊЪАТИ МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР.....	45
18.Мухамедова Мадина Ашуровна "МИНИАТЮРАЛАРНИНГ ЖОНЛАНИШИ".....	47
19.Сулаймонова Мухиба Болтаевна ТАСВИРИЙ САЊЪАТНИ ЁШЛАРГА ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	49
20.Т.И.Юлдашев МИФЫ И РЕАЛИИ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ИСКУССТВЕ.....	51



ТАСВИРИЙ САЊЪАТНИ ЁШЛАРГА ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Сулаймонова Муhiba Болтаевна. Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси кафедрасининг 2-босқич магистранти
Телефон: +998(91)4400379
sulaymonovamuxiba@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта умутаълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида касбий маҳоратни шакллантиришнинг методик асослари ёритилди.

Калит сўзлар: маҳорат, санъат, касб, ҳунар, тадқиқот.

Тасвирий санъатни ёшларга ўргатиш масаласида Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимида тасвирий санъатни ўқитиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ўзбек олимларидан А.Амануллаев, С.Абдуллаев, Х.Алиминов, Б.Азимов, Б.Байметов, С.Булатов, К.Гулямов, Ж.Дарменов, Б.Орипов, А.Сулаймонов, Н.Толипов, А.Турдалиев, О.Худоёрова, Қ.Қосимов, Б.Кўчқоров, Р.Ҳасанов ва бошқалар томонидан тасвирий ва амалий санъатни ўқитиш методикасига оид аҳамиятга молик илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Мазкур тадқиқотларда шахсни тасвирий ва амалий санъат намуналари асосида бадний-эстетик тарбиялаш, унинг касбий маҳоратини ўстиришда шахс ривожланишининг ички эҳтиёжлари, психологик хусусиятларини инобатга олиш, замон талаблари асосида таълим-тарбия беришда ёшларга ўтмиш маданий мерос намуналаридан фойдаланишнинг педагогик асослари эътироф этилади.

Бироқ, бу борада ҳозирга қадар касб-ҳунар коллежларида тасвирий санъатни, хусусан ўқувчиларни касбий тайёрлашда тасвирий санъат ўқитиш методикасига оид махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Муаммога оид ўрганилган адабиётларда тасвирий санъат машғулотларида ўқувчиларни натюрмортни босқичларда ишлашга ўргатишда компютер технологияларидан фойдаланиш каби масалалар атрофлича ёритилмаган.

Бундан ташқари касб-ҳунар коллежларида тасвирий санъатнинг ўқитиш ҳолатини таҳлил этиш бўйича олиб борилган кузатишлар натижасида қуйидаги муаммолар ҳам этарли даражада ўз эчимини топмаганлиги маълум бўлди, яъни:

- касб-ҳунар коллежларида тасвирий санъатни ўқитиш муаммоларининг илмий-услубий, педагогик-психологик жиҳатдан этарли даражада ўрганилмаганлиги;

- касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни касбий тайёрлашда тасвирий санъат ўқитишнинг методикаси яхлит ҳолатда ишлаб чиқилмаганлиги бугунги кун ижтимоий педагогик талаблари асосида мақсадли тадқиқот ўтказишни тақозо этади. Ҳозирги вақтда ўрта махсус касб ҳунар коллежларида мутахассислик фанлар, жумладан ўқув чизматасвири машғулотларини ўқитишнинг назарий ва методик асосларини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асосланган янги йўли, шакли, мазмуни ҳамда методларини такомиллаштириш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Давлат таълим стандартлари асосида, ёшларга тасвирий санъат машғулотларини ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва унинг кейинги йилларда мўлжалланган истиқбол йўлларини ишлаб чиқиш;

2. Тасвирий санъат ўқитувчиси ихтисослиги бўйича олий ўқув юрғларида мутахассис рассом-педагогларни тайёрловчи таълим муассасалар иш фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таҳлил этиш;

3. Рассом кадрларни тайёрлашда маҳаллий манбалардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш орқали ёшларни юқори малакали мутахассис бўлиб этишишларини таъминлаш ва юксак дидли, Ватанга садоқат, миллий ҳамда жаҳон халқлари санъатини мукамал биладиган, ўтмиш маданиятимизни севиб қадрлай оладиган кишилар бўлиб этишишларини таъминлашдир.

Инсон ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўйбга чиқаришнинг шароитлари ва механизмларини яратиш, эскича тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш, республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида ўқувчи-талабаларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мултимедиялардан фойдалана олиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялаш, ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, истиқболда касбий маҳорат ва компютер саводхонлигини орттириш уларнинг ички эҳтиёжига



айлантирилишини талаб этади. Ўқувчиларни касбий тайёрлашда тасвирий санъатни ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолати тадқиқодлар ўқувчиларнинг тасвирий-ижодий ишларининг саводхонлигини оширишга, уларнинг эстетик идроки, дидининг ривожланишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1999 йил.
2. Баркамол авлод орзуси. Т. 1999 йил.
3. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълими стандарти ва ўқув дастури. Махсус 6 - сон. Тасвирий санъат.